

# ПАХТАМИЗ 1 000.000 ТОННАДАН ОШДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



## СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети,  
Узбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ  
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР



Одам ўз тақдирини ўзи яратади. Одам ўз бахтини ўзи қўлга киритади. Деҳқоннинг омади—унинг меҳнатида, пешана терида, техникага чиндан ихлос қўйиб ишлашида. Ватанга фарзандлик бурчимиз ҳақи, туз ҳақи, нон ҳақи, кўкракларимиздаги нишон, юксак унвонлар ҳақи ҳаммамиз пахта frontiда жон куйдириб меҳнат қилайлик. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг бир кам эллик йиллигини жонажон ўзбекистонимизда пахта тайёрлаш планини ошириб бажариш билан нишонлайлик!

Дондор механизатор Мамажон ДАДАЖОНОВга жавоб

## План-7 НОЯБРГАЧА



Азамат пахтакор ўртоқлар! Пахлавон механизатор дўстлар! Партияимизнинг XXIII съезди йиллигининг сира ўчмас, сира унутилмас тарихий воқеасидир. Шавкатли беш йиллигининг зафарли олдими шу йилдан бошланди. Жонажон партияимизнинг Пленумлари ва Совет давлати олий органиимизнинг сессиялари бўлиб ўтди. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV пленуми қарорларини ўқиб-ўрганиб чиқдик. Яхшилик келтирувчи, ҳаётийимизни янги чуққиларга кўтарувчи бу воқеалар ҳар биримизга янги куч, гайрат ва илҳом бахш этмоқда. Лекин ҳаёт ҳаммизга текис ва равои боравермайди. Катта курашлар жараёнида жиддий қийинчиликлар, баъзан эса табиий офат туйғалли машаққатлар ҳам юз бериб туради. Бу йил худди шундай бўлди. Республикаимиз пойтахти азият Тошкентимиз қаттиқ зилзила оқибатида катта талафотлар кўрди. Ёз пайтида воҳа ва водийларимизда кучли сув тошқинлари, довул-бурунлар, дўл ва ёғингарчиликлар бўлди. Булар шубҳасиз қўшимча қийинчиликлар, ташвишлар тугдирди. Йилнинг тақдирини учун энг оғир мунобатлар келтирувчи бундай офатлар бизнинг тузумимиз шарафидир. Коммунистик партия ва советлик ҳукуматимизнинг ота-ларча гамхўрликлари, совет кишиларининг матовати ва жасорати туйғалли дарҳол чечинди ва уларнинг оқибатлари тез тугатилмоқда. Биз бундай оғир пайтларда ҳалқлар дўстлигининг қўдратли намунасини, совет кишилари жисонининг тисмонини, ҳалқ жасорати ва матонатининг улғуворлигини яна бир бор равшан кўрдик.

Ахволининг бу жиҳатларини ақл-заковат билан ҳис қила олган ҳар бир киши вазиятини тўғри баҳолаб, шунга мувофиқ иш тутати олади. Биз бу йилдан шундоқ демократиямиз, бу йилдан шарафидир, айниқса бу йилдан ишларимизга янги тўлқинларни шу кезларда ниҳоятда чуқур ўйлаб, оддон чамалаб, зийраклик ва донолик билан иш туттишимиз, бир кучимизда иш куч қўшиб, ҳар бир ишни илҳом борида муваффақият билан энг яхши ҳал эттишимиз, вақтдан, ганиматдан қўдратимизнинг ҳар соат ва минутидан ютиб қўлишимиз керак. Шу сабабдан ҳам биз шу хатимиз билан ҳар бир ватанпарварнинг, ҳар бир жасоратли пахтакор ва азамат механизаторнинг асосий эътиборини пахта йигим-терим мუҳлатини кескин қисқартиришга жалб этмоқчимиз.

Ҳар бита нафис толасига меҳримиз рипшларини пайванд этилган пахтаимиз фарқ қилиши. Шу кунларда пахтазорларда катта кураш, қатъий ва самарали кураш қилиб кетди. Пешана теримиз билан етиштирилган ҳосилининг бир миллион тоннадан кўпрогини йиғиштириб олдик. Ҳали асосий бойлигимиз далада, чаноқларда турибди.

Далада бор ҳосилини узоғи билан бир-бир ярим ой ичнда, ҳавойи жаҳон мана шундай очик турган қўлай пайтларда йиғиштириб олиш Ўзбекистонда меҳнатга қўриб етатидан одам борки, ҳаммамиз жонажон вазифаси, муқаддас ишидир.

Агар ҳаммамиз бир тан, бир жон бўлиб, астойдил ҳаракат қилсак, миллий ифтихоримиз, нон, туздек азия пахтаимизни 7 ноябрь — Улуғ Октябрнинг бир кам эллик йиллик муборак кунигага териб олиб, планини бажаришимиз, ваъдага вафо қилишимиз мумкин. Бунга куч-қўдратимиз етади. Тоғларни талқон, чуқуларни бўстон қилиб келган азамат ҳалқ ҳар бир улуғ ишга қодир!

Деҳқончиликнинг таомили шу: ҳусусан кузакда илдам бўлган, отини бошқалардан кўра жадалроқ чоптирган пахтакор катта пойгада голиб чиқарарди. Агар биз далада бор ҳосилини Октябр байрамига йиғиштириб олсак марра бизники. Ҳаммамизга кўнглимиз тўлади. Негаки, оғир чарақлаб турган кунларда ҳосил терими қўлай бўлади. Оворагарчилик бўлмайди, теримчилар, меҳнатчи-ҳайдовчилар қийналибди, ҳуноб бўлмайди. Ҳуноб очилганда терилган пахтаининг сифати яхши бўлиши ҳаммага аён. Гард юкмаган, сорти юқори пахта колхозга ҳам, совхозга ҳам, халқимизга, давлатимизга қони фойда.

Ватанга аёло сифатли, фақат аёло сифатли пахта берайлик! Шу куннинг муқаддас шифори, ана шу!

Азия дўстлар! Ҳаттич яхши билисиз: агар сал кечиксангиз, ҳаво чак этиб қолса, бори, бир иш икки бўлади. Бугун бир кунда биттадан иш кейин ҳафтагага чўзилб кетади. Қор, ёғин ёққан кунларда теримнинг беракиси ўчади, ўтин, тошқун, сушма-қўннинг ташвиши тушади, пахта қўриқидан майдонлар етишмай қолди. Қийинчилик қўлайди, сарф-харажат ортади, пахтаининг нави бузилади. Бунга сира йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳозир об-ҳаво айни пахтаининг ҳавоси. Қуёш чарақлаб турган шу кунларда ҳоҳ меҳнатчи-ҳайдовчи, ҳоҳ теримчи бўлсин ҳавасига ишлайди. Шундай далада, шундай қўлайда, бир дақиқадан соатларга татийдиган чоғларда гайрат камариини белларимизга тагин ҳам маҳамор қўйиб ишлайлик. Бирор дақиқа ҳам озе кетмасин!

Қайси об-ҳаво ва районда, колхоз ва совхозда машинага эътибор билан муносабатда бўлишган, унга кенг йўл очилган экан, терим мўҳлати қисқармоқда, кунга 4-5 процентга етказиб пахта топишмоқда. Бунга кўндалик сводкалардан кўриб турибмиз. Республикаимиздаги мавжуд катта имкониятлардан, айниқса терим машиналаридан илҳом бори, ҳақиқий фойдаланиб, планини икки, уч ҳафта ичида бажариб қўйдиқ деб рапорт бераётган экан, бирор дақиқа ҳам озе кетмасин!

Ҳаммамиз пахта фронтини! Социалистик Меҳнат Қўрамоний Ю. Иброҳимов бошлиқ комплекс механизациялашган бригадаси аъзолари давлатга пахта топишрини йиллик планини 10 кунда бажаришга аҳд қилинган. Бу ҳосилининг ҳаммаси 15 октябргача йиғиштириб олинди. Оқдўргончилар кам деганда 70 процент ҳосилини нуқул машинада териб оламан деб, шунга яраша иш туташтирди. Йигим-теримини барвақт бошлаб юборган Қашқадарь областида 30 дан ортиқ бригада-ҳозирроқ маррага етди.

Булар шунинг кўрсаткичи, деҳқончиликда комплекс механизациялаш кенг қўлланилмоқда. Шундан қўдратли техникамиз, ажойиб, меҳнатсевар, мўҳир ва шикоятли теримчиларимиз бўла туриб энди терим мўҳлатини икки-уч ойга қўзиб юборишга сира ҳақ қилимиз йў!

Далалари текис бўлатуриб, машинадан фойдаланмаётган, унинг натижасини ва сиёсий аҳамиятини ҳалига надар тушуниб етмаган, бунинг устига барча ишчи кўчларини теримга жалб қилмай ёрдамчиларга кўз тутиб ўтирган айрим бефаросат ҳўжалик раҳбарлари умумий ишнинг зарар келтирмоқдаларки, бунга ҳеч қачон кенйиб бўлмайди.

Атрофимизга бир назар соғайлик. Яхшилаб тагин бир қарра ўйлаб қўрайлик. Ўзбекистонимизда пахта тайёрлаш йиллик планини 7 ноябргача бажариш учун нима етишмайди, бирор марсаддан камчилигимиз борми? Йўқ, ҳамма нарсаси бор, қўлимизни қаёққа узатсак етади, Биргина терим машинасини олиб кўринг: йипрма мингдан ортиқ «загори кема»миз бор. Агар ҳар бита агрегат ўз нормасини тўла ва ошириб бажарса, кунига тайёрлайдиган пахтаимиз қанчалар кўп бўлишини тасаввур этиб кўринг-чи!

Тошкентликлар, оқдўргончилар, Фарғона областининг Ўзбекистон районидан азамат меҳнатчи-ҳайдовчилар қўрамоний машинабон қилиб ўстириш, машина терими ҳақида эрта баҳордан ўйлаб туриб иш туттиш, дефляцияни кўрмасдан барвақт ўтказиб, машина терилини эрта бошлаб юборишнинг қанчалар афзаллигини ҳаммамизга амалда кўрсатишди. Фарғона области, Ўзбекистон районидан

Турсуной ОХУНОВА — Янгиўл районидан Киров номи колхоз меҳнатчи-ҳайдовчиси, СССР Олий Совети депутаты; Обида ХАМРОЕВА — Гинжувон районидан «Гулистон» колхозининг меҳнатчи-ҳайдовчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор; Маннон ЖАЛОЛОВ — андижонлик меҳнатчи-ҳайдовчи, СССР Олий Совети депутаты, Социалистик Меҳнат Қўрамоний; Жаҳон КУЧИЕВ — Сирдарё район «Малик» совхозининг меҳнатчи-ҳайдовчиси, республикада хизмат кўрсатган механизатор; Курбон НЕНЖАЕВ, — Фарғона областидаги «Дитярь 40 йиллиги» совхозининг меҳнатчи-ҳайдовчиси, Социалистик Меҳнат Қўрамоний.

Одам ўз тақдирини ўзи яратади. Одам ўз бахтини ўзи қўлга киритади. Деҳқоннинг омади — унинг меҳнатида, пешана терида, техникага чиндан ихлос қўйиб ишлашида. Ватанга фарзандлик бурчимиз ҳақи, туз ҳақи, нон ҳақи, кўкракларимиздаги нишон, юксак унвонлар ҳақи ҳаммамиз пахта frontiда жон куйдириб меҳнат қилайлик. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг бир кам эллик йиллигини жонажон ўзбекистонимизда пахта тайёрлаш планини ошириб бажариш билан нишонлайлик.

Д. Розиков, М. Исаева ва бош. қалар муқофотланган қонидан таъриф, партия ва ҳукуматга саломий ташаккур изҳор қилдилар. Улар шу ерда ҳозир бўлган кишиларга ваъда бериб, янги беш йиллик топишрини муваффақият билан бажариш учун бутун куч-гайратимизни сарф қиламиз, дебдилар.

Е. С. Насриддинов СССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан муқофотланганларни ҳукуматнинг юксак муқофоти билан савийи таърифлари ва уларнинг меҳнат соҳасида янгидан-янги муваффақиятларга эришувларини тиллади. (ЗўТАГ).

М. ИСМАТОВ, Янгиўл районидан «Коммунизм» колхозининг раиси.

## Яна биринчи бўлди

Колхозимиз Хисор тоғи бағрида жойлашган. Ғаллакорлик, бодирчилик билан шуғулланамиз. Чоғачилик ҳам равоқланган. Пахтачилик билан ўн йилдан буён шуғулланамиз.

Колхозимиз аъзолари етти йиллигининг охирида йилда республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажарган эдилар. Бу йил ҳам биринчи бўлиш учун ўз гайрат қилидилар. Йигим-терим уюшқоқлик билан бошланди. Кунин кеча давлат қабул пунктга 550 тонна биринчи сорт пахта топишриб, планини 22 иш кунда тўла едо эдик.

Бу ғалабага Меҳид, Бурҳонов, Салим Бадалов, Н. Пардаев, Т. Илдошоев, А. Хайдаров ўртоқлар бошлиқ бригадалар катта ҳисса қўлдиди.

Колхоз кичирини тез кўтаришда ола-сини Мингсир ва Марҳамат Жабборовалар, Халима

## САМИИЙ СУҲБАТ

Ўзбекистон Ҳукуматининг сўроқ-жавоб бораши президентимизнинг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Бу мажлисда республиканинг асосий адиблари кўндаллашди. Президентимиз Улуғ Октябрнинг эллик йиллиги ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига таъдирларини тўғрисидаги масалани кенг муҳокама қилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига наъидат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов мажлисда нутқ сўзлаб, буюк саналар мўносабати билан республика бадийи адабиети ҳодимлари олдида турган вазифаларга таърифларни ўқиди. Совет кишисининг коммунизм қурилиши йўлида қўластган буюк ишларига мўносаб саралар яратиб бадийи адабиёт ҳодимларининг вазифасидир. (ЗўТАГ).

## СУРЪАТ ЯНА ОШАДИ

Областимиз пахтакорлари республика кўчма Қизил байроғини олиш шарафига мўнасаб бўлдилар. Кейинги ўн кунликда кўпгина ҳўжаликлар йигим-теримда юксак суръат бўлишига эришилди. Чунки, дефляцияни ўтказиб, машина терилини эрта бошлаб юборишнинг қанчалар афзаллигини ҳаммамизга амалда кўрсатишди. Фарғона области, Ўзбекистон районидан

за нави бир оз кеч етилади. Чунки, у ҳали бизнинг шарафимизга унча мослаштирилмаган. Шунга кўра, ҳусусан бизнинг ҳўжалигимизда пахта тунов кундан буюн чаман-чаман очила бошлади. Йигим-теримини ҳам бошлаб нави чигит эккан колхозлар нисбатан тўриб оз кечиниб бошлашга бўри келди.

Бирок колхозчиларимиз юксак умум билан меҳнат қилаётганликлари кунда йиллик планининг 3 проценти миқдорда пахта топишрини қўриб олиш берилди. Утган кунин 19 та «загори кема» далада қаварилар ури бошладилар. Суръат тагин ҳам кўтарилди. Яна икки-уч кундан кейин колхоз бўйича кунда йиллик планининг 4-4,5 проценти миқдорда ва ундан ҳам ошириб пахта топишрини имкониятига эришамиз.

Ўтар, бригада бошлиқлари асабилашар эдилар.

Бу йил шундай қилинаётган Биз «виждон графигига» қўқоқ солиб пахта теримиз ва давлатга топишришимиз.

Пахтакорларимиз социалистик мўносабати кун сайин, соат сайин қилибди. Йиллик планини 10 октябрга надар бажаришга сўз бердилар. Улар бир сўзлаб оламлар. Айтганини қилмай қўйишмайди.

М. ИСМАТОВ, Янгиўл районидан «Коммунизм» колхозининг раиси.

## ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИГА БАЙРОҚЛАР

Икки «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозиде сўйиборининг иккинчи ўн кунлигида пахта таер-булар Тошкент областидаги Оқдўргон районига ва «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, ва Министрлар Советининг ичма Қизил байроқлари татанганли ваъдасига топишриди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига наъидат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Тошкент областидаги Оқдўргон району ва илғор совхоз вакилларига байроқлар топишриди. Уртқон Ш. Р. Рашидов Тошкент областининг пахтакорларини, самийи таърифлари ва уларнинг меҳнатда янги муваффақиятларга эришувларини тиллади. (ЗўТАГ).



С. Абдураманов Зайнобиддинова Буз районидан «Кара, Марис номи» колхозининг аш меҳнатчи, ҳайдовчиларидан. У бу йилги мавсумда 100 тонна пахта териб учун курашди. Суратда: С. Зайнобиддинова ўз машинаси билан.

У. Раҳимов фотоси.

## УЛКАН ХИРМОНГА

Республика областларида пахта тайёрлаш ва гўзани дефляция қилишнинг бориши тўғрисида 1966 йил 24 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи сўт — области; иккинчи сўт — бир кунда, учинчи сўт — масвум бошдан буюн, тўртинчи сўт — бир кунда машинада терилган пахта, бешинчи сўт — масвум бошдан буюн, олтинчи сўт — дефляция қилинган майдонлар.

|            | 2.15 | 50.35 | 4.09 | 36.66 | 110.56 |
|------------|------|-------|------|-------|--------|
| Қашқадарь  | 4.01 | 35.38 | 4.65 | 39.75 | 129.70 |
| Тошкент    | 2.61 | 32.68 | 3.27 | 22.26 | 140.82 |
| Сурхондарь | 2.21 | 29.49 | 3.24 | 17.04 | 124.48 |
| Бухоро     | 2.25 | 28.40 | 2.37 | 15.11 | 132.13 |
| Фарғона    | 2.05 | 26.45 | 2.21 | 10.30 | 123.23 |
| Андижон    | 2.47 | 24.01 | 2.36 | 11.84 | 120.34 |
| Самарқанд  | 1.99 | 16.55 | 0.95 | 3.57  | 123.71 |
| ҚК АССР    | 1.36 | 12.97 | 0.44 | 1.66  | 123.90 |
| Хоразм     | 2.25 | 10.81 | 2.89 | 10.74 | 134.27 |





